



Tadqiqot UZ

ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



CONFERENCES.UZ

31 AVGUST  
№31

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 31-КҮП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
8-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
31-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-8**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
31-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-8**

**ТОШКЕНТ-2021**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

## "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 31-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 август 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 9 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

### **3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

### **5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

### **6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

### **7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибод Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**АДАБИЁТ**

<b>1. Курбанова Мухаббат Мамаджановна</b>	
ОБРАЗ РУХИЯТИНИ ОЧИШДА БАДИЙ НУТҚ ЎРНИ.....	7



## АДАБИЁТ

### ОБРАЗ РУХИЯТИНИ ОЧИШДА БАДИЙ НУТҚ ЎРНИ («Сарик девни миниб» романни бош қаҳрамони Ҳошимжон мисолида)

Курбанова Мухаббат Мамаджановна  
Тошкент давлат транспорт университети ўқитувчиси  
kmukhabbat2507@gmail.com

**Аннотация:** Тезисда “Сарик девни миниб” романни бош қаҳрамони руҳиятини очиш, характерини кўрсатишида ёзувчининг монологик, диалогик нутқдан фойдаланиш усуллари ҳақида сўз юритилган. Бунда ёзувчининг роман зиммасига қўйган бадиий нияти яхши очилган.

**Калит сўз ва иборалар:** бадиийлик, роман, образ, ички олам, монологик нутқ, диалогик нутқ, бадиий ният.

Маълумки, “бадиийлик деганда ҳаётни жонли ва таъсирли қилиб қайтадан яратиш санъати, ҳаёт ҳодисалари устидан чиқарилган «хукм», шу «хукм» руҳида тарбиялаш тушунилади” [3.28]. Бу эса романдаги воқеликнинг баён услубига ҳам таъсир этади. Масалан, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сарик девни миниб” романидаги баён услуби, ровий нутқида воқеликка ҳажвий ёндашув, ироник муносабат кўринади. Бу бир томондан асарни кулгили чиқишини таъминласа, иккинчи жиҳатдан, ровийнинг ёш бола эканлиги ва реал воқелик унинг назарида бироз тушунарсиз ва кулгилидек бўлиши табиий саналади, учинчидан эса, услубдаги ҳажвга мойиллик асар ўқувчилар ёшига ҳам мослаб ёзилганлигини назардан қочирмаслик лозим.

Лекин Ҳошимжон ҳамма жойда кулгили вазиятга тушавермайди. Баъзан у ҳам жиддийлашади, ўз фаолиятини ёки ўз қилмишларини таҳлил қиласи, ўзи билан ўзи курашади, гоҳи иккиланади, одамлардаги ёмонликни йўқотмоқчи бўлиб курашга отланади. Буни куйидаги монологик нутқда кузатиш мумкин:

“Нималар қилиб қўйдим ўзи? Уларнинг меҳнатига ёрдамлашиш ўрнига ҳаммасини ишдан қўйдим-ку! Мана Хурсанали Шарафиддинович билан ёнма-ён ўтирибмиз, ўзи ёмон одамга ўхшамайди, анча меҳрибон гапга тушунадиган одамга ўхшайди... Эҳтимол яхшиликчасига илтимос қилганимда мени бирор участкага агроном қилиб олган бўлармиди. Ишларим юришиб кетганда, ким билади, расмим газеталарда босилиб ҳам чиқармиди?! Ана унда меҳрибон директоримиз Отажон Азизович ҳам, алгебра муаллимимиз Қобилов ҳам киши ўқимасдан агроном бўла олиши, ўртоқларига ҳисобсиз фойдалар келтириши мумкинлигини ўз кўзлари билан кўрардилар... ха баҳтим кулиб бокай деб турган эди. Лекин афсуски, ишни ўзим бузиб қўйдим...[2.37]

Келтирилган парчада Ҳошимжон гарчи ўзининг ўқимасдан, билим олмасдан жамиятга керакли одам бўлиш мумкин, деган нотўғри ниятидан қайтмаган бўлса-да, ўз хати-харакатини таҳлил қилмоқда. Фақат болаларга хос тажрибасизлиги, билимсизлиги унга панд берганини ҳали тушунмайди. Лекин баъзан ана шундай ички монолог орқали ёзувчи Ҳошимжоннинг умумий композициядаги вазияти, кимлар биландир зиддиятга киришиши, ўзи билан ўзи курашишини ҳам ифодалайди. Бу эса бош қаҳрамон характерини, воқеалар ривожидаги вазиятлар табиатини ҳам белгилашга хизмат қиласи. Чунки у ана шундай ҳолатларда ўз айбини топгандек туюлади, хатосини тушунгандек бўлади ва уларни тўғрилаш учун янги мақсад ҳам топади. Аммо билимсизлиги, тажриба этишмаслиги яна Ҳошимжонни ғалваларга рўбарў қилаверади.

Воқеаларнинг бундай тасвири, аввало, бола психологиясига хос романтик кайфият бўлса, иккинчидан, унинг табиатидаги ахлоқий қадриялардан далолат беради. Лекин унинг характеридаги қайсарлик, ўжарлик, жисмидаги дангасалик, мақтанчоқчиликни батараф эта билмаслик каби иллатлар уни ортга тортаверади. У олдинга юраётган, яъни



ҳаммаси яхши бўлаётгандек туюлган ишда, албатта панд ейди. Аслида хроникал сюжетда қаҳрамон ҳаёти, унинг шаклланиши ва ўсиш-ўзгариши, бирин-кетинликда берилади. Бу эса ёзувчининг Ҳошимжоннинг саргузаштларига бироз муболагавий тус беришида қўл келади.

“Ўсмир руҳиятини очишда ўзига хос восита ва усууллар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири руҳият қирраларини кўрсатиб беришда қўл келади. Бола руҳиятини тасвирлашда ўзаро муносабатлар алоҳида ўрин тутади. Жумладан, боланинг катталар билан ёки ўз тенгдошлари билан бўлган мулоқотлари ўзида характер қирраларини намоён этади” [1.22]. Шу маънода Ҳошимжон бир қишлоққа бориб қолгани, у ерда Ҳайитбой деган бола билан танишгани, у ерда болалар, аниқроғи, бўлажак агрономлар далада ўт юлиши, қуён бокиши, қизлар сигир соғиши, тикувчилик цехида эса чиройли қалпоқлар тикишини кўради. Ҳайитбой ўз ишларидан ғурурланиб сўз юритса, Ҳошимжон “ҳа, бунақаси бизнинг мактабда ҳам бор”, “бизда бундан зўр” дея мактаниш билан чекланади. Лекин улар фикрлаш даражаси яқин, ўзаро тенгдош бўлганликлари учун тезда тил топишадилар. Ҳошимжон Ҳайитбой билан биргаликда фермада ишлайди. Ёзувчи шу ерда меҳнаткаш, билимга чанқоқ,adolатли Ҳайитбойни Ҳошимжон образига қарши қўяди. Лекин Ҳошимжон бу кўрганларидан тегишли хулоса ясашни билмайди. Ҳайитбой ва унинг тенгдошлари бундай ютуқларга меҳнат, билим билан эришишганини тушунмаган Ҳошимжон шу ютуқларни ўзиники, деб билишга интилиб, сингилларимга деб қалпоқ сўрайди. Ололмагач, ўғирлик қиласи. Қалпоқча ёрдамида у ердан қочади ва Ҳурсанали Шарафиддинович хонасига яширинча киради. Шу ерда диванда ўтирганча, ўз қилмишини таҳлил қиласи. Кейин қилмишларига пушаймон бўлиб, сингилларимга деб, олиб қочган қалпоқни Ҳайитбойга қайтаради-да, ошхонада овқатланиб, яна йўлга равона бўлади. Эътибор қилинса, у яна қочиб кетмоқда. Аслида у ўзлигидан, ўз виждонидан қочиб бораради. Инсоният шу пайтгача бола тарбияси учун ишлаб чиқсан таълим-тарбия концепциясини тан олмасдан, ўзича янгилик қилмоқчи бўлиб ҳаракат қиласи.

Ҳошимжон катталар билан муносабатида ҳам ўз характеристини кўрсатиш учун энди ўзини ақлли, если-хушлидек тутиб кўрсатишга бўлган уриниш кузатилади. Ҳошимжон юриб-юриб борган ери Мирзачўлнинг олтинчи совхози Полвонтоға ишлайдиган бўлим эди. Оқшом пайтида йўлнинг ўнг четида тошфонус ёруғида, далага сув тараб, ўзи зерикаб ўтирган Полвон тоғанинг олдига боради. Салом алик қиласи, яхши гаплашди, аммо шу ерда ҳам кимнинг ўғлисан, деган саволга болаларча “дадамнинг ўғлиман”дея жавоб беради. Аммо бу жавоб зериккан чолга ҳазил-мутойибага йўл очиб, иккаласи тезда киришиб кетишади. Содда, ишонувчан Полвон тоға Ҳошимжонни ўзи билан тунашга олиб қолади[2.38-29].

Шу ерда ёзувчи диалогик нутқ ёрдамида Полвон тоға ва самимий муносабатни соғинган Ҳошимжон ички оламини очиб беради. Суҳбатдан кўнгли кўтарилиган бош қаҳрамоннинг кенг, бепоён дала, бетон ариқда шалдираб оқаёиган сув, сўлиб дараҳтлар, тиниқ осмон, тоза ҳаво бағрида руҳияти кўтарилиши тасвирланди ва яна ички монологика ўтиб, ўз хаёлларида онасига мурожаат қиласи. Якинда агроном бўлиши, ҳақида ширин хаёллар суриб ухлаб қолади. Сеҳрли қалпоқ ёрдамида содда чолни алдаб жисман катта бўлиб олган Ҳошимжон характеристида, руҳиятида ҳали болалик яшар эди. Ана шу тасвирларда унинг катталар билан муносабатида ҳам сақланиб қолган болаларча самимийлик, соддалиқ, шумлик сезилиб туради.

Ёзувчи Ҳошимжон ички оламини очишда монолог ва диалогдан самарали фойдаланган. Шу тариқа роман олдига қўйилган асосий вазифа, бола учун биринчи галда ўқиш кераклиги ҳақидаги бадиий ниятни Ҳошимжоннинг қатор шумликлари мисолида исботлаб кўрсатади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тўлабоева Р. Худойберди Тўхтабоев романларида бадиий психологизм. Фил. фан.б.фалс.док (PhD) авторефер. – Тошкент, 2019. – Б.53
2. Тўхтабоев X. Сарик девни миниб. Саргузашт роман. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. – 464 б.
3. Умурев X. Адабиёт назарияси: — Тошкент: Шарқ, 2002.— 256 б.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА З1-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(8-қисм)**

**Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович  
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович  
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

**Эълон қилиш муддати: 31.08.2021**

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000